

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2020 йил август ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Турапов судья ёрдамчиси Х.А. [Redacted] овнинг котиблигида, С.Кадированинг таржимонлигида, тарафларда [Redacted] лат айбловчиси Оҳангарон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Зулфияев, жабрланувчи И.И.И., судланувчи Т.Т.Т.,нинг иштирокида, Т.Т.Т.,га нисбатан 1-1120-2001/49-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш хужжатларига кўра:

Т.Т.Т., [Redacted] Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, оилали, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти, Учкўприк туман судининг 2020 йил 3 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган, [Redacted]

[Redacted] истиқомат қилган, иш бўйича 2020 йил 24 апрелдан буён камокда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 2 июлда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчини кўрсатмасини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Т.Т.Т., 2020 йил 24 апрель куни соат 23 да таниши Олмалик шаҳар Олмалиқсой кўчаси 70-уйда яшовчи И.И.И., билан уйда уйда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб қолиб, жанжал натижасида И.И.И.,нинг қорин қисмига ошхона пичоғи билан бир маротаба тан-жароҳати етказган. Натижада И.И.И., олган тан-жароҳатлари билан Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига олиб келинган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 25 июндаги 890-сонли хулосасига кўра, И.И.И.,га ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳат етказилганлиги аниқланган.

Судланувчи **Т.Т.Т.**, суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2020 йил 23 апрель куни уйда куни билан иш қилиб дам олиб, соат 18⁰⁰ ларда ўзига тегишли бўлган “Самсунг” русумли уяли алоқа телефон апаратига ойна қўйиш мақсадида устахонага бориш учун кўчага чиқанини, Олмалиқ шаҳар



Олмалиқсой кўчаси томонга яъни “Рухий касалликлар шифохонаси” олдига етган вақтида таниши И.И.И.,ни кўриб қолганини ва у билан ўзаро гаплашиб, у унга спиртли ичимлик қилганини айтиб берилган вақтида у рози бўлганини, сўнг И.И.И.га пулинг борми деб сўраган вақтида пули йўқлигини айтганини, шундан сўнг унда пул бор деб шу ерда жойлашган дўконларнинг биридан бир дона арок спиртли ичимлигини сотиб олганини ва И.И.И.,ь билан бирга унинг уйига бориб хонада бир бутулка арок спиртли ичимлигини истеъмол қилганини, шундан сўнг яна кўчага чиқиб соат 23⁰⁰ ларда дўконларнинг биридан 4 дона арок спиртли ичимлигини олиб И.И.И.,нинг уйига келиб, яъна истеъмол қилиб ўтирганини, сўнг кеч бўлиб қолганлиги сабабли соат 1⁰⁰ ларда у И.И.И.,ьга кетишини айтиб уйдан кетаётган вақтида уйдан чиқиб, ортидан И.И.И.,ь хам келиб у билан бирга ховлига чиқанини, у билан ўзаро гап талашиб тортишиб қолиб, улар бир-бирларига уриб тан-жарохати етказганини, шундан сўнг у қолган воқеаларни тўлиқ эслай олмаслигини, чунки қаттиқ маст ҳолат бўлганини, эртаси куни жабрланувчи И.И.И.,га пичоқ орқали тан-жарохати етказганлигини тушуниб етганлигини, жабрланувчига моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчи И.И.И.,ни унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи **И.И.И.**, суд мажлисида, у 2020 йил 23 апрель куни соат 18⁰⁰ ларда уйдан кўчага чиқиб кетаётган вақтида таниши Турсунматов Акмални учратиб қолганини, шундан сўнг уни спиртли ичимлик истеъмол қилгиси келгани учун у Акмалга спиртли ичимлик истеъмол қилганини, сўнг Акмал спиртли ичимлик олиб, унинг уйига кириб, улар биргаликда спиртли ичимликни истеъмол қилганини, шу орада улар маст бўлиб кўчага чиқиб, Акмал билан ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб қолганини ва Акмал жанжал вақтида унга пичоқ тиқиб олганини, улар қолган воқеани тўлиқ эслай олмаслигини, уларни жанжаллини ушбу жойда бўлган қўшнилари келиб ажратиб қўйганлигини, шунда у ўзига келган вақтида Олмалиқ шаҳар марказий шифохонасига ётганини, уни у ерда шифокорлар унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатганини, ҳозирги кунда унинг соғлиги яхши эканлигини, судланувчи Т.Т.Т., унга етказилган дори-дармонларнинг харажатларини қоплаганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Судланувчи Т.Т.Т.,нинг айби, жабрланувчининг аризаси ҳамда кўрсатмаси билан, воқеа жойини кўздан кечириш ҳақида баённома, фотожадваллар, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизасининг хулосаси ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланган.

Судланувчи Т.Т.Т.,нинг қасддан баданга оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган. Чунки у уйига келган И.И.И., билан



келишаолмай, маст холатда ўзида бўлган ошхона пичоғини И.И.И.,ни қорин қисмига қасддан бир маротаба санчиб олган.

Суд, судланувчи Т.Т.Т.га нисбатан жазоси ва миқдорини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, ёшини, оилавий аҳволини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят содир этишда роли ва мақсадини, жабрланувчини унга нисбатан давоси йўқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

-иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳозирда ЖИБ Оҳангарон шаҳар судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона ошхона пичоғини йўқ қилишни, жабрланувчи И.И.И.,га тегишли бўлган бир дона эркаклар шими жабрланувчи И.И.И.,га ва судланувчи Т.Т.Т.,га тегишли бўлган бир дона эркаклар шими ва бир дона спартивкалар судланувчи Т.Т.Т.,га қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Т.Т.Т., Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Т.Т.Т.,га Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Т.Т.Т.,нинг қамоқда 2020 йил 24 апрелдан 2020 йил 19 августга қадар сақланган 118 куни, озодликдан чеклаш жазосини 1 кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан 3 ой 28 кун чегириб ташлаб, ўташ учун 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой 2 (икки) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Т.Т.Т.,га нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазоси юзасидан унга сутканинг соат 22⁰⁰ дан 06⁰⁰ гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Судланувчи Т.Т.Т.,нинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Ҳукм ижроси Олмалиқ шаҳар ИИБнинг пробация бўлими томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, ҳукм ижрога қаратилиб, Пробация томонидан ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Судланувчи Т.Т.Т.,га агар озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қайтишдан бўлса, суд жазосини қисқартирган илгари тайинланган таъқиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

-озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги чеклаш билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Т.Т.Т.,га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ҳозирда Оҳангарон шаҳар судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона ошхона пичоғи йўқ қилинсин ва эркаклар шими жабрланувчи И.И.И.,га ва бир дона эркаклар шим, спорт кийими судланувчи Т.Т.Т.,га қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн кунлик муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Оҳангарон шаҳар суди орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

А.Турапов

Аслига тўғри : _____

